


“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Ўзбекистон Республикаси
Миллий антидопинг агентлиги
бош директори



А.Садиков

2023 йил 10 апрель

Ўзбекистон Миллий антидопинг агентлиги ҳузуридаги жамоатчилик
кенгашининг 2023 йил I-чорак якунлари бўйича ўтказилган йиғилиш
БАЁНИ

2023 йил 10 апрель

Тошкент шаҳри

Раислик қилувчи:

А.Садиков – Ўзбекистон Миллий антидопинг агентлиги бош директори

Кенгаш аъзолари:

Т.Усмонхўжаев – Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети префессори;
Ф.Керимов – Ўзбекистон миллий олимпия қўмитаси Илм ва инновациялар маркази раҳбари, педагогика фанлари доктори, профессор;
Б.Наримонов – Тошкент давлат юридик университети кафедра муриди, PhD;
Д.Каримова – Ўзбекистон кар соқовлар федерацияси бош котиби, спорт фахрийси;
Б.Марданаев – “Маҳалла” радиоканали мутахассиси;
У.Намозов – “Севимли” телеканали мухбири;
Ҳ.Омонов – Агентлик бош директорининг ахборот сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчиси, Кенгаш котиби.

КУН ТАРТИБИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021-йил 16-июндаги “Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиқлигини та’минлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча

чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–6247-сонли фармони 1-илоvasи 29-бандида берилган топшириқ ижроси юзасидан Ўзбекистон Миллий антидопинг агентлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши иш режасида назарда тутилган масалалар ҳақида.

2. Бошқа масалалар


- Агентлик фаолиятига доир масалар юзасидан фуқаролар, нодавлат тижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларинг ташаббуслари ҳамда мурожаатларини кўриб чиқиш натижалари юзасидан фикр алмашилди.
- Агентликнинг фуқаролар, нодавлат тижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ўзаро ҳамкорлигини таҳлил қилиш ва такомиллаштириш бўйича амалга оширилган ишлар бўйича ҳисоботлар тингланди.
- Агентлик фаолиятига таълуқли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш, улардаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича таклифлар киритилди ва бошқа масалалар юзасидан кенгаш йиғилиши ўтказилди.

Кун тартибидаги масалалар муҳокама қилиниб, кенгаш

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Ўзбекистон Миллий антидопинг агентлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши аъзолари иштирокида ўтказилган йиғилишда кўтарилган масалалар юзасидан кенгаш аъзолари доимий равишда фуқаролар, нодавлат тижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларинг ташаббуслари ҳамда мурожаатларини кўриб чиқиш, фуқаролар, нодавлат тижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ўзаро ҳамкорлигини таҳлил қилиш ва такомиллаштириш ҳамда Агентлик фаолиятига таълуқли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш, улардаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича таклифлар киритишга келишиб олинди.

Йиғилиш баёнини тузди



Ҳ.Омонов